



Нуржаҳон Бегим (1577, Кандаҳор -1645, Лохур) - Бобурий малика, шоира. Жаҳонгиршоҳнинг хотини. Асл исми - Меҳриннисо. 1594 й. Акбарнинг Аликули Исталжу исми амирига турмушга чиққан. Эрининг вафотидан сўнг Рукиясултон Бегим хизматига қўйилган. 1611 й. Наврўз байрамида уни кўриб қолган Жаҳонгиршоҳ ўзига никоҳдаб олган ва Нурмахал (Сарой нури) деб атаган.

1616 й.дан Нуржаҳон деб атай бошлаган. Нуржаҳон Бегим гоят гўзал, окила аёл бўлиб, подшоҳнинг энг яқин маслаҳатчисига айланган, кейинроқ давлат ишларини Жаҳонгиршоҳ номидан бошқарган. Подшоҳ фармонларига унинг ҳам имзоси қўйилган, тангаларда ҳам Нуржаҳон номи зикр қилинган. Етим кизларнинг тўйини ўтказиб берган. Отаси Мирзо Гиёснинг бош вазир, акаси Осифхоннинг саройдаги йирик мансабни эгал-лашига ёрдам берган. Жияни Аржуманд Бонуни (Мумтоз Махал, Тоҷмаҳал) шахзода Хуррам (Шоҳжаҳон)га турмушга берган. Жаҳонгиршоҳ вафотидан сўнг тахтни куёви Шаҳриёрга олиб беришга ҳаракат қилган. Шоҳжаҳон тахтни эгаллаганидан сўнг, Лохурда Жаҳонгиршоҳ макбарасини ва Аграда отасига атаб Ўтимодуд-Давла макбараларини қурдирган. Нуржаҳон Бегим Лохурда дафн этилган.

"Бобур Энциклопедияси" китобидан